

Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларни маҳсулот, жихозлар ва моддий товар бойликлар

билан таъминлаш бўйича  
№ 3 - сонли ШАРТНОМА

«25» апрел 2022 йил

Кува тумани

Икки томонлама хўжалик муносабатларни ифодаловчи мазкур шартнома асосида иш юритувчи “Ором” хусусий фирмаси (кейинги ўринларда “иш бажарувчи” деб аталади) номидан унинг раҳбари Қурбонов Акмалжон биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик ҳамда ўз низомига асосан фаолият юритувчи Езёвон Т.Н. Қишлоқ хўжалиги бўлими номидан (келгусида “буйортмачи” деб аталади) раҳбари М. Шаҳжиёв ўрталарида куйидаги мақсадларда тузилди:

### 1. Шартнома предмети .

1.1. “Таъминловчи” “Харидорга” куйидаги маҳсулотларни етказиб беради .

мебел ва мебел жихозлари

1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати 87300000 сўм Тўқсон етти  
мильон уч юз миң 2 (рақам ва сўз билан тўлиқ ёзилди)  
сўмни ташкил қилади .

1.3. Маҳсулотлар куйидаги ассортиментда етказиб берилади:

т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Ёзғил ярим ялшиқ стул	доға	6	195000	1170000
2	Ташриш ярим ялшиқ стул	доға	50	165000	8250000
3	Ташриш уғ ўриниш стул	доға	20	1050000	21000000
4	Китоб жабоши	доға	10	888000	8880000
5	Компютер стол	доға	10	1450000	14500000
6	Диван қара ёт	доға	1	1950000	1950000
7	Ишшоқ мебел (бурчак)	компа	1	4950000	4950000
8	Призидум стол	доға	2	1350000	2700000
9	Ёзув стол	доға	4	1650000	6600000
10	Раҳбар оғис мебел йиғиш	компа	1	10950000	10950000
11	Ўринбосарлар оғис мебел	компа	3	5450000	16350000
	Жами				97300000

Изох: Шартнома муддати бир ойдан ортиқ бўлганда ассортимент бўйича олинаётган маҳсулот турлари ва нархлари келгуси ойлار учун талаб ва эҳтиёждан ва нархнаволардан келиб чиққан ҳолда алоҳида спецификация ҳолатида тузилиб, иккала томон ўртасида тасдиқлангандан сўнг ушбу шартномага илова қилинади ва шартнома ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади . Ушбуни натижасида шартнома умумий суммаси ўзгарган ҳолатда қўшимча келишув орқали шартномани суммасига аниқлик киритилади .

### 2. Ҳисоб – китоб шартлари .

2.1. Олинган маҳсулот, жихозлар ва моддий товар бойликлар учун келишилган нархда тўлов жадвали бўйича ҳисоб китоб қилинади . Шартномани амал қилиш муддати даврида маҳсулот жихозлар ва моддий товар бойликларни ўртача нархлари ўзгарганда ўзаро тузилган қўшимча келишувга асосан ушбу ўзгарган нархлар бўйича ҳисоб китоб амалга оширилади .

2.2. Ўзаро солиштирув далолатномаларига асосан шартномани 1.3 бандида кўрсатиб ўтилган маҳсулот қиймати учун “Харидор” олдиндан 30 % микдорда тўловни амалга оширади ҳамда “Таъминотчи” маҳсулотни етказиб бергандан сўнг, тўлиқ ҳисоб китобни 30 кун ичида амалга оширади. Шартнома бир ойдан ортиқ муддатга тузилганда 30 % микдоридаги олдиндан тўлов жадвалига асосан ҳар ойда амалга оширилиб борилади .

2.3. Маҳсулотлар учун нарх келишилган ҳолда белгиланади . Бунда ўша кунга ҳудуддаги ўртача бозор нархлари , консалтинг фирмалар хулосалари , бозор маълумотлари бўйича нархлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тақдим этилган нархлар асос қилиб олинади . Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тавтиш ишлар натижасида етказиб берилган маҳсулот, жихозлар ва моддий Товар бойликларига белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарқ “Таъминотчи” зимасига қопланади .

2.4. Ишлаб чиқарувчилар учун махсулотнинг калькуляцияси ва бахолар прејскуранти асосида нарх белгиланади.

### 3. Махсулот етказиб бериш :

3.1. "Таъминотчи" шартномада белгиланган махсулотларни келишилган тақсимотномага асосан бюджетдан маблағ олувчи муассаса манзилгохларига келишилган муддатларда етказиб беради ва транспорт харажатларини ўз зиммасига олади.

### 4. Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари

4.1. "Таъминотчи" махсулотни сифатини тасдиқловчи ҳужжат (мувофиқлик сертификати ва санитрия-гигиена сертификати, гўшт махсулотлари учун ветеренария бўлими хулосаси ва хоказолар) ҳамда махсулотдан намуна тақдим этади ва айнан шу намунадаги махсулотни жойларга етказиб берилишига кафолат беради ва ҳужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

4.2. "Таъминотчи", "Харидор" томонидан ишонч билдирилган, муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган, ҳамда юмалоқ муҳр босилган ишонч қоғози кўрсатган вакилга махсулот беради. Агар "Таъминотчи" томонидан "Харидор" нинг ишонч қоғозида кўрсатилган махсулотларни ёки махсулотларни ишонч қоғозида белгиланган миқдоридан ортиқ берган ҳолларда бу махсулотлар учун "Харидор" томонидан ҳақ тўланмайди. Шунингдек, "Таъминотчи" томонидан "Харидор" га сифатсиз ёки сертификатсиз махсулотлар етказиб берилса бу махсулотлар "Таъминотчи" га қайтариб берилади ёки бу махсулотлар учун ҳақ тўланмайди. Ушбу ҳолатлар тегишли далолатнома орқали расмийлаштирилади.

4.3. "Таъминотчи" етказиб берган махсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реқвизитларини расмийлаштириш шарт. Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

4.4. "Харидор" "Таъминотчи" томонидан юборилган махсулотни шартнома шартлари ва спецификацияга тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг олинган махсулот учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

### 5. Тарафларнинг жавобгарлиги.

5.1. Томонлар тарафидан шартнома шартлари бузилган ҳолларда, жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролик кодекси"га, "Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида"ги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонун ҳужжатларига, шунингдек ушбу шартномага мувофиқ белгиланади.

5.2. Агар «Таъминотчи» томонидан «Харидор»га махсулотлар белгиланган муддатларида етказиб келинмаса, кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган махсулотлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

Агар мажбуриятларнинг бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатларининг оқибати ҳисобланса, «Таъминотчи» пеня тулаш мажбуриятидан халос қилинади.

5.3. Қабул қилинган махсулот учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган махсулот қийматидан "Харидор" томонидан 0,4% миқдорида "Таъминотчи" га пеня тўланади. Лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ булмаган миқдорда пеня тулайди.

### 6. Форс-мажор.

6.1. Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулотда ҳолларда бузилса (яъни сув тошқини, ёнғин, зилзила, бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

### 7. Шартнома муддати.

7.1. Шартнома иккала томонлар имзолагандан сўнг кучга киради.

7.2. Шартноманинг амал қилиш муддати «31» 12 2022 йилгача. Маълум сабабларга кўра олинган махсулот учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун кўшимча вақт белгиланади.

7.3. Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

А) томонлар ўзаро ёзма келишувига асосан;

Б) “Таъминотчи” томонидан етказиб берилган махсулотни сифатсизлиги тўғрисида “Харидор” томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;

В) “Таъминотчи” томонидан мазкур шартноманинг 4.1,4.2,4.3. бандлари бажарилмаганда;

Г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар лозим бўлган холда “Таъминотчи” ушбуга розилик бермаган тақдирда;

Д) нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши ёки кўпайиши) лозим бўлгани холда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;

Изох: б,в,г,д пунктлари бўйича шартномалар “Харидор” томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин.

Шартноманинг бекор қилингани тўғрисида “Харидор” “Таъминотчи” га ёзма равишда, асосларини келтирган холда хат билан маълум қилади.

### 8. Кўшимча шартлар.

8.1. Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Хўжалик судлари орқали хал қилинади.

8.2. Шартнома икки нусхада тузилиб, хар бир нусхада тенг юридик кучга эга бўлиб томонларда бир нусхадан сақланади.

8.3. Шартнома спецификация келгуси ойлар учун талаб ва эҳтиёждан ва нарх-наволардан келиб чиққан холда алохида тузилиб иккала томон иштирокида имзоланиб тасдиқланади ва илова сифатида ушбу шартномани ажратмас қисми хасобланади.

8.4. Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва мухрлари билан тасдиқлангандан сўнг амалга киритилади.

8.5. “Таъминотчи” ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан (лицензия, гувоҳнома, сертификат) “Харидор” га тақдим этади.

8.6. Шартномани бажарилиши учун таълуқли хужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардир.

### 9. Томонлар ҳуқуқий манзили ва банк реквизитлари.

“Таъминотчи”

“Ором” хусусий фирмаси

х/р 20208000300250171001

МФО. 00799; ОКОНХ: 15271


ИНН 201713127 Кува Халқ банки

Кува т; Бахор ҚФЙ Ўрабоши-147 уй

Тел: 998904098606+998913287585

Рахбари:  А. Қурбонов.

“Харидор”



Хўжалик Бўлим.

Х/р 401022860302423042360082001

М.Р.О. 00541

ИНН 200169908

Молия Вазирлиги Газначилиги


х/р: 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент шаҳар 66

ХККМ МФО: 00014 ИНН: 201122912

Рахбар:


Бош ҳисобчи:



### Ҳуқуқий хулоса.

Мен ушбу шартномани ҳуқуқий экспертизадан ўтказдим. Мазкур шартномада кўрсатилган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонунни ва Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади ҳамда шартномада назарда тутилган тарафларнинг жавобгарлиги ва имзоларни хал этиш тартиби юқорида зикр этилган қонунчилик талабларига мос келади.

Ҳуқуқшунос:

 Ф.И.О.

Лицензия № \_\_\_\_\_ 201 \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ да

Изох: Ҳуқуқшунос хулосаси имзо ва мухр билан тасдиқланиши шарт. Шартнома суммаси Республикада амалда бўлган энг кам ойлик (минимал) иш ҳаққини 200 (икки юз) баробаридан ошганда ҳуқуқшунос хулосаси батафсил алохида берилади.